

СУД ОРГАНИ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Хурматилло ИСМОИЛОВ

АННОТАЦИЯ. Мақолада суд органи фаолияти ва унинг иштирокчилари ўртасидаги мулоқотларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, хусусан жиноят процессуал кодекси ҳамда суд жараёнига тегишли асосларнинг психолингвистик таҳлилига тўхталиб ўтилган.

АННОТАЦИЯ. В статье делаются попытки психолингвистического анализа уголовно-процессуального кодекса упорядочивающий деятельность судебных органов и общение между участниками судебного процесса, а также основ, относящиеся к судебному процессу

ANNOTATION. The article mentions psycholinguistic analysis of the legal documents governing the dialogue between the activities of the judicial branch and its participants, in particular the criminal procedural code and the judicial process.

Таянч сўз ва иборалар: суд органи, қонун ҳужжатлари, жиноят процессуал кодекси, инсон манфаати, психолингвистика, тафаккур, тил, нутқий фаолият, сўзловчи ва тингловчи, суд мажлиси, раислик қилувчи, мулоқот жараёни.

Ключевые слова и выражения: судебный орган, законодательства, уголовно-процессуальный кодекс, человеческие интересы, психолингвистика, отражат, язык, речевая деятельность, динамик и слушатель, судебное заседание, председательствующий, процесс коммуникации.

Key words and word expressions: judicial body, legal acts, criminal procedure code, human rights, psycholinguistic, dissemination, language, speaking activities, speaker and listener, court session, presiding, communication process.

“Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини азиз ва муқаррам қилдик... ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик.”¹ Ушбу

¹ Куртубий ибн Касир ва Фахруддин Розий тафсирилари асосида Нўмон Абдулмажид тайёрлаган. “Ҳидоят” журналининг 2012 йил, 9-сонидан олинди.

жумлаларнинг моҳияти қатор уламолар томонидан шарҳланар экан, баъзилари одамзоднинг нутқи ва фаросати унинг азизлигига сабабдир дейишса, яна бирлари инсоният гапириши ва ёза олиши билан бошқа жонзодлардан қимматлидир қабiliда фикр билдирадилар. Ҳар не бўлганда ҳам ҳар бир инсон алоҳида мавжудот, алоҳида индивид сифатида бетакрор ва ўзига хосдир. Ушбу жиҳатлар инсон шахсининг борлиқдаги барча жонзодлардан қимматли эканига далолат қилади.

Инсон ҳаётда яшар экан унинг ҳар бир они кишилиқ жамияти билан узвий боғлиқликда кечади ва у шахс сифатида ижтимоий муносабатларнинг ташкилотчиси ва иштирокчисига айланади. Бу жараёнларда эса ҳар бир одамнинг кадр-қиммати, фикрлари, ҳис-туйғулари, мулоҳаза ва мушоҳадаларини ҳурмат қилиш талаб қилинади. Бу эса мамлакатимиз бош қомусида ҳам қатъий белгилаб қўйилган. Хусусан, 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”², ёки 29-моддасида “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга...”³, – дея фуқароларнинг кадр-қиммати мана шундай юксак ўлчовларда битилган.

Шу маънода бугун шахс, унинг шахслараро муносабатлари, хоҳ кенг, хоҳ тор доирада, хоҳ омма қаршисида, хоҳ икки кишининг ўзаро фикр алмашувида бўлсин, шунчаки ёхуд йўл-йўлакай амалга ошириладиган жараёнлар бўлмай қолди. “Кейинги бир неча ўн йилликда инсон учун доимо муҳим бўлган ижтимоий мулоқот масаласи ўта долзарб бўлиб қолди. Шиддатли XXI асрда инсонларни бирор бир янгилик билан ҳайратга солиш мушкул. Аммо оламшумул техника мўъжизасига бепарво одамни бир

² O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi// “O'zbekiston” NMIU.2018. 1-bo'lim,2-bob, 13-modda, 7-bet.

³ O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi// “O'zbekiston” NMIU.2018. 2-bo'lim,7-bob, 29-modda, 12-bet.

карашда арзимас кўринган ўзаро муносабатлар, мулоқотлар ларзага солиши мумкин.”⁴

Бугун жаҳон саҳнасида кечаётган ривожланиш, тараққиёт, глобаллашув даврида ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида юз бераётган ўзгаришлар тадқиқотчиларнинг тадқиқот объектига айланмоқда. Муддао эса битта: Инсоннинг ҳаётда яхши яшаши ва унинг манфаатлари. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳам, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналишида “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш...”⁵ асосий вазифа этиб белгиланди. Шу билан бирга илм фаннинг ривож, техника ва ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг амалий жараёларини назарий таҳлил қилиш, умуман олганда татбиқий йўналишлар тадқиқи кучаймоқда. Ушбу саъй ҳаракатларнинг бири сифатида давлат ҳокимиятининг асосий бўғини ҳисобланган суд органи, унинг қонун ҳужжатлари, хусусан, жиноят процессуал кодекси ҳамда суд жараёнига тегишли асосларнинг психолингвистик таҳлилига доир айрим фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтишга ҳаракат қиламиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, суднинг асосий мезони инсон манфаати, кишиларни айблаш ёки озодликдан маҳрум этиш эмас, энг аввало, адолат тантанаси ҳисобланади.

Мақола сарлавҳасида жамланган психолингвистика ва суд органи атамаларининг ҳар бирини инсоннинг руҳияти, унинг тили ҳамда ҳаётда

⁴ Алпанова Ш.Х. Нуткий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши 10.00.01 - Ўзбек тили. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. 12-бет.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

яшаш меъзони сифатида баҳолашимиз мумкин ва уларни бир умумий нуктага жамловчи фикрларга алоҳида тўхталиб ўтишимиз ўринлидир.

“...Тил расолашган сари тафаккур, тафаккур расолашган сари тил расолик касб этиб боради”⁶ - деган эди профессор Маҳмудов. Тил ахборот тўплаш ва уни ифодалаш қуроли бўлиши билан бирга инсонга унинг шахси, маданияти ва ментал хусусиятлари борасида баҳо бериш имкониятига ҳам эга, белгиларнинг мураккаб тизими сифатида эса шахснинг интеллектуал фаолияти, идроки, хотираси, тафаккури ўртасида воситачидир.

Малумки, психолингвистика фани тилни онг шаклланиб бориши ва унинг маҳсулоти ифодаланиши учун қурол эканлиги билан бирга тафаккурга таъсир ўтказишда ҳам энг етакчи воситалигини таъкидлайди. Фикримизча, жаҳонда тўпланган психолингвистика борасидаги катта тажрибани ўрганиб, ўзбек тили материаллари асосида таҳлил қилиш, суд фаолиятини психолингвистик тадқиқ этиш, замонавий ўзбек тилшунослиги ривожини учун тилшунослик фанининг муносиб ҳиссаси бўлади.

Психолингвистиканинг тадқиқ объекти нутқий фаолият жараёни, нутқ бирликлари. Психолингвистика маълум бир шароитда маълум бир ахборотни нутқ бирликлари воситасида тингловчига етказишни, бу нутқ парчасида сўзловчи руҳиятидаги ўзгаришларнинг акс этишини, унинг тингловчига таъсири масалаларини ўрганади. Нутқда ахлоқ-одоб, сўзлашиш расм-русумлари, нутқнинг муайян эҳтиёжлари, сўзловчи ва тингловчининг ёши, савияси, маданийлик даражаси кабилар ўз аксини топади ва буларнинг барчаси психолингвистиканинг тадқиқ манбаи ҳисобланади⁷.

⁶ Маҳмудов Н. Ўзбек тили луғат бойлиги ривожига фаоллашган жараёнлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. – №5. – Б. 4.

⁷ Алпанова Ш.Х. Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши 10.00.01 - Ўзбек тили. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. 27-бет.

Россиялик психоллингвистлар “Нутқ нутқий реакциялар тизими эмас, балки фаол ва мақсадга йўналтирилган нутқий фаолиятдир”⁸ – деган назарий концепция асосида шаклландилар ва кенг қўламли илмий тадқиқот олиб бордилар. Шунинг учун улар “психоллингвистика” термини билан параллел равишда “нутқий фаолият назарияси” иборасини қўллайдилар.


Шу маънода, суд мажлисида амалга ошириладиган ишларнинг барчаси мулоқотга асосланади. Иштирокчиларнинг айнан кимлар бўлиши қонун билан белгилаб қўйилган. Хусусан, жиноят-процессуал кодексининг 431-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, “Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, кимлар давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси эканлиги, кимлар жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва кимлар уларнинг вакиллари эканлиги, кимлар суд мажлисининг котиби, эксперт, мутахассис, таржимон эканлигини маълум қилади...”⁹.

“Раислик қилувчи тайинланган вақтда суд мажлисини очади ва қандай жиноят иши кўрилишини эълон қилади.”¹⁰ Ушбу жараёни бошқариш, ҳар бир иштирокчининг сўзларини алоҳида эътибор билан тинглаш, умуман олганда, энг масъулиятли шахс – раислик қилувчи марказий субъект эканини ҳисобга олсак ҳамда суд процессидаги мулоқотлар йўналишини бир схемада ифодаласак, қуйидаги чизма ҳосил бўлади:

⁸ Лурия А. Р. Язык и сознание. – М.:Наука, 1979. – С. 27.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент “Адолат”2018. 231-модда. 295-бет.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент “Адолат”2018. 228-модда. 294-бет.



Схемада суд процессида раислик қилувчининг ҳар бир иштирокчи билан коммуникация ўрнатишига аҳамият қаратилган. Бу мулоқот жараёнини кузатар эканмиз, психолингвистик таҳлилда ХХІ аср тилшуносларининг тадқиқот объектига айланган нутқнинг яратилиши ва унда субъектнинг ўрни, сўзловчи ва тингловчининг ўзига хос жиҳатлари каби омилларнинг коммуникацияга таъсири, коммуникантлар руҳиятининг нутқда акс этиши, нутқнинг яратилиши каби қирраларга аҳамият қаратдик.

Таъкидлаш жоизки, суд мажлиси турли шароитдаги ёки ҳар қандай тартибга солинган жараёнлардан тубдан фарқ қилади. Психологик жиҳатдан бу ҳолни процесс ўтказиладиган бино билан ҳам боғлаш мумкин. Ҳар бир иштирокчи объектга кирар экан, фақатгина қонун билан белгилаб қўйилган қатъий қоидалар асосидаги ҳаракатларни амалга оширадилар, хусусан мулоқот жараёнларини ҳам. Раислик қилувчи жиноят процессуал кодексининг “Суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган чоралар” номли 425-моддаси асосида суд мажлисида тартибни сақлайди.¹¹

Кодекснинг 422-моддаси: “Суд муҳокамаси вақтида суд судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент “Адолат”2018. 425-модда. 292-бет.

ҳақлидир.”¹² Ушбу модда орқали муайян вазифа бажарувчи субъектларнинг (раислик қилувчи, судьялар, суд мажлисининг котиби, давлат айбловчиси) бир сўз билан “суд” атамаси орқали ифодаланишига гувоҳ бўламиз. 423-модда: “Суд муҳокамаси вақтида ҳал қилинадиган барча масалалар юзасидан суд ажрим чиқаради...”¹³

Раислик қилувчи судланувчи билан мулоқотга киришар экан жиноят процессуал кодексининг “Судланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтириш” номли 435-моддасига асосан “...судланувчидан ана шу ҳуқуқларнинг ҳар бирини тушунган ёки тушунмаганлигини сўрайди. Башарти судланувчи салбий жавоб берса, раислик қилувчи унинг ёшини, умумий заковат даражасини, руҳий ва жисмоний ҳолатини эътиборга олиб, унга ҳуқуқларини қайтадан тушунтиради.”¹⁴

Инсон тақдири ҳал этилаётган бу жараёнда ҳақиқатни юзага чиқариш энг олий мақсад ҳисобланар экан, бирор бир нукта эътибордан четда қолдирилмайди. Айтилган ҳар бир сўз, хусусан, вербал ёки новербал мулоқотлар, хатти-ҳаракатлар, имо-ишораларнинг барчаси раислик қилувчи томонидан назоратга олинади ҳамда суд мажлисининг котиби томонидан баённома тарзида ёзиб борилади. Раислик қилувчи гувоҳларни сўроқ қилишда уларнинг кўрсатувларида аввалдан тил бириктирилиши, бирининг сўзи ёки ҳаракатлари бошқасида турли руҳий ҳолатларни юзага келтириши ёки ўзаро мулоқотга киришмасликларининг олдини олади. “Гувоҳларни суд мажлиси залидан чиқариб туриш” номли 432-моддага асосан “Раислик қилувчи гувоҳларнинг суд мажлиси залидан алоҳида хонага чиқиб туришлари тўғрисида фармойиш беради. Кейинчалик у сўроқ қилинмаган гувоҳларнинг сўроқ қилинган гувоҳлар билан, шунингдек суд мажлиси залидаги бошқа шахслар билан мулоқотда бўлмаслиги чораларини кўради.”¹⁵

¹² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент “Адолат”2018. 422-модда. 290-бет.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент “Адолат”2018. 423-модда. 291-бет.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент “Адолат”2018. 435-модда. 296-бет.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент “Адолат”2018. 432-модда. 295-бет.

“Билишдан мақсад – ҳақиқатга эришмоқдир”¹⁶ – деган эди Абу Наср Фаробий. Дарҳақиқат, Билиш – воқеликнинг инсон тафаккурида акс этиш ва такрор ҳосил бўлиш жараёни. Мақсад эса объектив ҳақиқатга эришишдир. Шу маънода, суд мажлисида ҳақиқатни сўзлаш, ёлғон гапирмаслик, далилларни ўзгартириб талқин қилмаслик ёки судни чалғитмаслик судланувчига нисбатан жазонинг енгиллатилишига асос бўлади. Судда реал ходисалар ҳақида билимлар, далиллар тўпланар экан, буларнинг барчаси амалий фаолиятда инсон манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Суд процессларида бевосита иштирок этиш ҳамда кузатишлар натижасида тўпланган билимларга таяниб айтишимиз мумкинки, айнан суд мажлисида кўриб чиқиш даражасига етиб келган ишлар - турли жиноятлар ёхуд қонунбузарликларнинг туб моҳиятида ижтимоий муносабатларнинг бузилиши, комуникантлар ўртасида бир-бирини тушунмаслик, юзага келган тушуновчиликларни ҳал этишда ўринли ва керакли нутқдан фойдалана билмаслик, нутқий вазиятларнинг нотўғри ташкил этилганлиги, сўзловчининг бир фикр ёки далилни тингловчига етказиб бера олмаслиги, унинг тафаккур даражаси, руҳияти ва дунёқарашининг эътиборга олинмаслиги ётгани аён бўлади. Айни шу каби ҳолатлар суд органи фаолиятини психолингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш, бунинг замирида инсонни тушуниш, унинг ҳаётий мезонларини бир тартибга солиш, тафаккури ва тилининг муштараклиги асосида тўғри ўйлаш ҳамда тўғри сўзлашга йўналтириш зарур эканлигига далолат қилади.

¹⁶ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри.Т.: 1993 – Б.3.